



# МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

44 (261) ● 2013 йил 13 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



Фракция аъзолари 2014 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан ЎзМТДП позициясидан келиб чиққан ҳолда амалий тақлиф-тавсияларини баён этишди

**2** СИЁСАТ



ЎзМТДП халқ депутатлари Хонқа туман Кенгаши сессиясида муҳокамага қўйилган масала маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилади

**4** ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Маданият қарвон саройи Ўзбекистоннинг бой маданий меросини ўрганиш, халқимиз ва дунё жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда ўзбек-япон маданий алоқаларининг рамзи сифатида ташкил этилди

**8** КЎЗГУ

## Хабарлар

### Японияда таълим

Пойтахтимизда «Японияда таълим» кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон-Япония маркази ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада қатнашиш учун Япония университетларининг 20 дан ортиқ вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюришди. Хусусан, Нагоя, Хоккайдо, Цукуба, Васэда, Рицумейкан, Кейо, Кюсю ҳамда Япония халқроқ университетларидан келган вакиллар Японияда таълим олиш шарт-шароитлари ҳақида атрофлича маълумот беришди. Очилиш маросимида дунёнинг ривожланган давлатларидан бири — Японияда ўқиш истагида юрган қўллаб-қувватловчи ҳам иштирок этишди. Улар Кунчиқар мамлакатнинг таълим олиш жараёни билан яқиндан танишишди. Шунингдек, таълим грантлари бўйича Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси вакиллари билан батафсил маълумот олишди.

### “Эл мероси” Кореяда

Жанубий Кореяда ўтказилган “Буюк Ипак йўлидаги инсоният — кеча ва бугун” фестивалида Самарқанддаги “Эл мероси” тарихий либослар театри жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

ЮНЕСКО шафёлигида Кореянинг Таълим вазирлиги ҳамда Миллий тадқиқот жамғармаси ҳамкорлигида ўтказилган фестивалда юртдошларимиз “Абадиёт лаҳзалари” дастурини намойиш этишди. Миллий анъаналарга мос равишда XIX асргача бўлган даврда ҳудудимизда қўлланилиб келинган либосларнинг саҳналаштирилган намойиши иштирокчилар томонидан муносиб қарши олинди. Дастур аввалида унинг мазмун-моҳияти хусусида вакилимиз томонидан корейс тилида тушунча берилди. Либослар мунтоз мусиқа оҳанглари остида намойиш этилди. Самарқанд ҳақида корейс тилида ижро этилган кўшиқ томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

### Муносиб рағбат

Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий кўргазмалар залида расом-ҳайкалтарош Людвиг Нестерович кўргазмаси очилди.

Кўргазмага қўйилган 70 яқин асарларда ижодкор сехри бўёқлари билан мафтункор табиатга муносиб жилва ва сайқал берган. Барча яратилган образларда нафислик ва шоироналик сезилиб туради. Муаллиф асарларни яратишда мармар, сирланган тош, сопол ва бошқа хомашёдан кенг фойдаланган. Л.Нестерович республика ва халқаро кўргазмалар иштирокчиси. Унинг асарлари Ўзбекистоннинг қўллаб-қувватловчи музей коллекциялари, Ўзбекистон Бадий кўргазмалар дирекцияси фонди, хорижий мамлакатлардаги музей ва шахсий кўргазмалардан муносиб ўрин олган. Кўргазма очилишида ижодкорга тантанали равишда Ўзбекистон тасвирий санъатида қўшган ҳиссаси учун Бадий академиянинг олтин медали топширилди.

## ЎзМТДП дастури — амалда



## Партия электорати ҳимояси

дастурий вазифалар ижроси билан чамбарчас боғлиқ

*Мамлакатимизда иқтисодийётни барқарор юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири бўлган кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қўлай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида илгари сурган Концепцияси Ўзбекистонда амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди.*

Мазкур жараёнда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам ўз дастурий вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интилоқда. Хусусан, партия Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган иқтисодийёт соҳасидаги стратегик мақсади — аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишнинг омили сифатида иқтисодий суверенитет ва хавфсизликни мустақамлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтириладиган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қўмаклашишдан иборат.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган “Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш — ЎзМТДПнинг иқтисодийёт соҳасидаги устувор вазифаси” мавзусидаги илмий-амалий семинарда партиянинг иқтисодийёт йўналишидаги мақсад-вазифалари ҳамда ЎзМТДП электорати бўлган оилавий тадбиркорлар ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

3-бет

## Партия фаолияти

### Ижроия Кўмита йиғилиши

ўқув-семинарлар орқали партия кадрлари салоҳиятини янада ошириш масаласига қаратилди

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кун тартибидagi асосий масала — ўқув-семинарлар орқали партиянинг ҳудудий ва маҳаллий Кенгашларида фаолият юритаётган кадрлар салоҳиятини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш ва мустақамлаш борасида фикр юритилди.*

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилиб, мамлакатни демократлаштириш ва модернизациялаш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан ҳисобланган сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Партия раҳбари маърузасида партиянинг халқ орасидаги нуфузи, намунали фаолият юритиши унинг кадрлари салоҳиятига боғлиқлигига тўхталиб, бу борада саъй-ҳаракатлар қўламини кенгайтириш лозимлигини қайд этди. Партиянинг ҳудудий ва маҳаллий кенгашларида фаолият юритаётган кадрларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш, аҳоли билан ишлаш борасида янги ва замонавий усуллардан фойдаланиш, партия хайрихоҳлари сафини кенгайтиришда ўқув-семинарлар муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятини янада такомиллаштиришда кадрлар салоҳиятининг долзарб масалалари мавзусидаги 5 кунлик ўқув-семинарни ташкил этиш партия ҳудудий кенгашлари ва куйи бўғинлари фаолиятини янада жонлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш баробарида, кадрлар салоҳиятини янада оширишда айна мударо бўлади.

Кун тартибидagi масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Жалолддин Сафоев, Ижроия Кўмита аъзолари Абдуғафур Маматов, Илхом Абдуллаев, Шўхрат Деҳқонов ва Дониёр Аюпов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан Ижроия Кўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўз муҳбиримиз

## Фракция ҳаёти

## 2014 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси

ЎзМТДП фракцияси томонидан кўриб чиқилди

*Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, вазирлик ва ташкилотлар раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Йиғилишда «2014 йилга Бюджетнома — Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг лойиҳаси, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»ги масала муҳокама қилинди.

Келгуси йил учун Давлат бюджетининг лойиҳасида асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, қўлай инвестицион ва ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳоли фаровонлиги ва

турмуш даражасини ошириш каби устувор йўналишлар қамраб олинган. Ушбу йўналишлар Президентимиз томонидан жорий йилнинг 18 январидagi Хукумат йиғилишида белгиланган берилган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Шунингдек, келгуси йили асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,0 фоизга, капитал қўйилмалар ҳажми 9,5 фоизга ўсиши кўзда тутиляётганлиги ҳамда мазкур кўрсаткичларнинг 2013 йилда юқори суръат-

ларда ўсиши кутиляётганлиги 2014 йилга Давлат бюджети лойиҳасини ишлаб чиқишга асос бўлган.

Таъкидланганидек, 2014 йил учун солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш бўйича тақлиф этиляётган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида Давлат бюджети даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,0 фоиз, харажатлари 22,0 фоиз ва тақчиллиги 1,0 фоизни ташкил этиши кўзда тутилоқда.

Йиғилишда қайд этилганидек, давлат молиясини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада мукамаллаштириш, бюджетдан ажратилган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ва давлат хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида 2014 йил 1 январдан бошлаб Бюджет кодексини эксперимент тарихида 2014-2015 йиллар давомида синов шarti билан амалга киритиш тақлиф этилоқда, ушбу даврда уни янада мукамаллаштиришга қаратилган зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилади.

Солиқ сиёсатида хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника базасини мустақамлаш ва ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга қўшимча манба яратиш мақсадида фойда солигининг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга камайитиш назарда тутилоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг минимал ставкаси бўйича солиқ солиш шкаласининг энг кам ставкасини 0,5 фоизга камайитиш назарда тутилоқда. Бу эса, барча тоифадаги солиқ тўловчиларга, айниқса, кам даромад оладиганларга солиқ юкени камайитиш имконини беради.

2014 йил учун белгиланган солиқ сиёсати концепциясида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида иқтисодийётга солиқ юки ўтган йилга нисбатан 0,5 фоизга камаяди.

Охириги йилларда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ва аҳолига қатор имтиёзларнинг берилиши, аввало, уларда ишлаб чиқаришни модернизация



қилишнинг жадаллашуви ҳамда унинг қўламини кенгайтиришга, сервис ва хизматлар соҳаси кенгайтиришга, энг асосийси, аҳоли бандлиги ва даромадлари ортисидаги хизмат қилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишда эътироф этилганидек, барча қабул қилинган ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини, кўрсатилган ижтимоий хизматларнинг сифатини яхшилашни изчил давом эттириш билан бир қаторда, 2014 йил учун бюджет сиёсатининг концепциясида асосий эътибор бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтиришга, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақлари, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорларини ошириш эъзаига аҳоли фаровонлигини изчил юксалтиришга қаратилган.

2-бет

“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





# 2014 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни лойиҳаси

## ЎЗМТДП фракцияси томонидан кўриб чиқилди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Партиянинг дастурий мақсадларини назарда тутиб ҳисоб қилишда қуйидагиларга асосий эътибор қаратилди. Жумладан, бюджет сиёсатида ижтимоий соҳаларга ажратилган харажатларнинг қарийб 60 фоизи таълим, фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилиши кўзда тутилган. Фракция аъзолари эътироф этишганидек, бу ўз навбатида, ЎЗМТДП дастурий мақсадларида белгиланган фан, адабиёт, маданият, санъат ва спорт соҳалари ривожига кўмаклашиш, соҳа ходимларини рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимиз фани эришган ютуқларини асраб-авайлаш ва кўпайтириш сингари вазифаларни амалга татбиқ этишда муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Айтиш жоизки, биргина таълим соҳаси харажатларининг ЯИМга нисбатан 2014 йилда 7,5 фоизни ташкил этаётганлиги барқамол авлодни тарбиялашга мамлакатимизда юксак эътибор қаратиладиганини яққол намунасидир. Шу билан бирга, 2014 йилда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг асосий параметрларида 224,4 млрд. сўм миқдорда даромад кўзда тутилган, бунда 215,0 млрд. сўм Давлат бюджети томонидан ажратилган маблағлар, 9,4 млрд. сўм хомийлар ва хайрия маблағлари ҳисобидан жамланади.

Шунингдек, таълим муассасаларини ўқув-лаборатория, ишлаб чиқариш ва спорт жиҳозлари, компьютер техникаси ва ахборот-коммуникацион технологияларни ўргатадиган бошқа элементлар, ўқув мебели ва инвентарлар билан қайта жиҳозлаш, хусусан, касб-хунар коллежларининг ишлаб чиқариш устандаларини замонавий технология асбоб-ускуналар билан қайта жиҳозлаш харажатларини 1,5 баробарга ошириш режалаштирилмоқда.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар 2014 йилга мўлжалланган Давлат бюджетни лойиҳаси Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларга мос равишда ишлаб чиқилганини эътироф этишди. Хусусан, бюджет лойиҳасининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хорижда келтириладиган маҳсулотларни маҳаллий-

лаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, фан, таълим, маданият, спорт ва тиббиёт соҳаларидаги ютуқларни янги босқичга кўтариш, аҳоли соғлиғини мухташамлаш ва ёш авлод вакиллариининг ҳар томонлама барқамол бўлиб воғга етишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Фракция аъзолари Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилга Давлат бюджетни лойиҳаси юзасидан ЎЗМТДП позициясидан келиб чиққан ҳолда амалий таълим-таъсирларини баён этишди ҳамда уни маъқуллашди.

Ийгилишда шунингдек, Қонунчилик палатаси мажлиси муҳокамасига киритилиши режалаштирилган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Фракция аъзолари дастлаб «Экологик назорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини муҳокама қилишди.

Маълумки, мазкур қонун лойиҳаси жорий йилнинг 4 июль куни Қонунчилик палатаси мажлисида кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан маъқулланган эди. Ўтган давр мобайнида ушбу қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилиниб, Интернет тармоғидаги тегишли идора ва ташкилотларнинг веб-сайтларида жойлаш орқали кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этилди ҳамда аҳолининг турли қатламлари вакиллари иштирокида қатор давра суҳбатлари, амалий семинарлар, баҳс-мунозаралар ва бошқа тадбирлар ташкил этилди. Марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали чиқилган маълумотларни ўқиб, қонун лойиҳаси юзасидан мингдан зиёд фикр, талқин ва мулоҳазалар келиб тушган бўлса, уларнинг икки юздан ортиги бевосита сиёсий партиялар фракциялари томонидан киритилди.

Шу ўринда, ЎЗМТДП фракцияси вакиллари томонидан қонун лойиҳасини маромига етказиш ва иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнига партиянинг дастурий мақсад ва вазифалари, сайловолди Платформаси ҳамда электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашиганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг диққат марказида экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли дав-

лат органларининг ваколатлари чегарасини, фуқародан фарқи равишда экологик назоратнинг жамоатчи инспекторининг ваколатлари ҳамда унга қўйилаётган талабларни аниқ белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг процессуал механизминини белгилаш масалалари бўлди.

Таъкидланганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши экологик назорат самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва бошқа жамоат ташкилотларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини рўёбга чиқаришдаги ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Ийгилишда сўз олган фракция аъзолари эътироф этишганидек, «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг қабул қилиниши келгусида жамоатчиликнинг экологик назорат соҳасидаги ҳуқуқий имкониятларини кенгайтиришга қўлмасдан, балки атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қонунчилигини ривожлантириш, шунингдек, жамиятни демократлаштириш тамойилларига мос келувчи, жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштириш борасидаги муносабатларни ҳам ҳуқуқий жиҳатдан янада мухташамлашди.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳасига партия позицияси нуктаи назардан ёндашиб, ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилишди. Эътироф этилганидек, ЎЗМТДПнинг сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимиз табиғатига, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлиш, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишни таъминлаш борасидаги вазифаларни амалга оширишда «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Фракция аъзолари мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда маъқуллашди.

Фракция ийгилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик мажлиси биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси 2013 йил 22 апрелда кучга кирган янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунчилик мажлиси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган 60 дан зиёд кўрсатув ва радиозиттиришлар ташкил этилди, марказий ва маҳаллий босма нашрларда 80 дан ортиқ мақолалар чоп этилди, интернет сайтларида ахборотлар жойлаштирилди. Ўтган давр мобайнида қонун лойиҳаси бўйича мингдан зиёд фикр, талқин ва мулоҳазалар келиб тушган бўлса, улардан икки юздан ортиғи бевосита сиёсий партиялар фракциялари томонидан киритилди.

Шу жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг диққат марказида экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг ваколатлари чегарасини, фуқародан фарқи равишда экологик назорат жамоатчи инспекторининг ваколатлари ҳамда унга қўйилаётган талабларни аниқ белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг процессуал механизминини белгилаш масалаларига эътибор қаратил-

Мухтарома КОМИЛОВА, «Milliy tiklanish» мухбири

## Қонун лойиҳасига шарҳ

# ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ

### ЭКОТИЗИМ САҚЛАНИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИДИР

Давлатимиз раҳбари «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда жамоат ташкилотлари иштирокининг аҳамиятини алоҳида эътироф этиб, экологик барқарорлиқни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини аниқ белгилаб берувчи «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга фурсати етганини таъкидлашди. Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси жорий йилнинг 4 июлида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан концептуал жиҳатдан кўриб чиқилиб, биринчи ўқишда қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ўтган давр мобайнида қонун лойиҳаси муҳокамаси доирасида депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда олимлар, амалиётчи мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида конференция, семинарлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди. Ўрни келганда айтиш жоизки, жойларда ўтказилган мазкур муҳокамаларда партияимиз фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳам иштирок этиб, электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича қатор талқинлар киритишда, оммавий ахборот воситалари орқали қонун лойиҳаси юзасидан ўз муносабатларини билдиришмоқда.

Бир сўз билан айтганда, қонун лойиҳасининг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишга қаратилган 60 дан зиёд кўрсатув ва радиозиттиришлар ташкил этилди, марказий ва маҳаллий босма нашрларда 80 дан ортиқ мақолалар чоп этилди, интернет сайтларида ахборотлар жойлаштирилди. Ўтган давр мобайнида қонун лойиҳаси бўйича мингдан зиёд фикр, талқин ва мулоҳазалар келиб тушган бўлса, улардан икки юздан ортиғи бевосита сиёсий партиялар фракциялари томонидан киритилди.

Шу жумладан, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг диққат марказида экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларининг ваколатлари чегарасини, фуқародан фарқи равишда экологик назорат жамоатчи инспекторининг ваколатлари ҳамда унга қўйилаётган талабларни аниқ белгилаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишнинг процессуал механизминини белгилаш масалаларига эътибор қаратил-

ди. Қонун лойиҳасини такомиллаштириш бўйича мазкур масалалар юзасидан фракцияимиз томонидан масъул кўмитага юздан ортиқ талқинлар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасини маромига етказиш ва иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича Ишчи гуруҳи таркибига кирган ЎЗМТДП фракцияси аъзолари томонидан қонун лойиҳасига партиянинг дастурий мақсадчи, вазифалари, сайловолди Платформаси ҳамда электрот манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилди. На-тижада, қонун лойиҳасининг 11-моддасида махсус ваколатли давлат органларининг ваколатлари «умумий-

гик назорати соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари (Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Саноат-технологик назорат» ДИ, ИИБ, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, «Ерғодекадастр» давлат кўмитаси) ваколатлари ажратилди, уларнинг экологик назорат соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишдаги иштироки бўйича ваколатлари аниқлаштирилди, назорат қилувчи органларнинг жамоатчилик билан ўзаро муносабатлари янада батафсил баён этилди ҳамда Табиатни муҳофаза қилиш Давлат кўмитасининг мувофиқлаштирувчи роли белгиланди. Шу билан бирга,

- Қонун лойиҳаси муҳокамасида партия депутатлик гуруҳлари аъзолари ҳам иштирок этишмоқда
- 1000 дан зиёд талқин ва мулоҳазалар билдирилди
- Лойиҳа янада такомиллашиб, 4 боб 27 та моддадан иборат ҳолатга кирди
- Қонун лойиҳасида экологик назорат самарадорлигини янада ошириш назарда тутилган

дан хусусийга томон» принципи асосида аниқ белгилаб қўйилди, 17-моддасида экологик назоратнинг жамоатчи инспектори, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, унга қўйиладиган талаблар ўз аксини топди. Шунингдек, экологик назоратнинг барча турларини амалга ошириш тартиби, шакл ва усуллари, натижаларини расмийлаштириш йўллари ҳамда уларни рўёбга чиқариш шакллари тизимлаштирилиб, процессуал механизминини белгилаб беришга ҳаракат қилинди.

Умуман олганда, қонун лойиҳаси биринчи ўқишга 4 та боб ва 34 моддадан иборат ҳолда киритилган бўлса, уни маромига етказиш давомида структураси тизимлаштирилиб, қатор тахририй тузатишлар амалга оширилди. Иккинчи ўқишга тайёрланган қонун лойиҳаси 4 боб ва 27 та моддадан иборат бўлди. Хусусан, қонун лойиҳасини маромига етказиш жараёнида экологик назоратнинг асосий вазифалари ва экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари такомиллаштирилди, яъни давлат ва бошқа экологик дастурлар ижросида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқаролар иштироки ҳамда уларнинг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини белгиловчи меъёrlар билан тўldрилди. Шунингдек, экологик назоратнинг (давлат, идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик) турлари, уларни амалга ошириш тартиби, шакллари, усуллари, натижаларини расмийлаштириш усуллари ҳамда рўёбга чиқариш шакллари аниқлаштирилди, экологик назоратнинг субъектлари бўлган жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари белгиланди. Давлат эколо-

гик назоратнинг жамоат инспекторлари ваколатлари, улар фаолиятини ташкил этиш тартиби, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг жамоат инспекторлари тизимини шакллантиришга кўмаклашиш борасидаги вазифалари аниқлаштирилди. Хусусан, жамоат инспекторларига экологик назоратнинг бошқа турларида кузатувчи сифатида қатнашиш, шунингдек, юридик ва жисмоний шахслар томонидан атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланилиши устидан кузатувни амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши экологик назорат самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва бошқа жамоат ташкилотларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим давлат дастурларини рўёбга чиқаришдаги ролини кучайтиришга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, партияимиз сайловолди Платформасида белгиланган Ўзбекистон табиғатига, бой табиий ресурсларига нисбатан асраб-авайлаб муносабатда бўлиши, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланилишни таъминлаш, экологик ҳавфсизликни, айниқса, миллиятнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилиш мақсадларида, хусусан, Оролбўйида, экологик ва табиий фалокатларга дучор бўлиши мумкин бўлган зоналарда яшовчиларнинг соғлиғини ҳимоя қилиш мақсадларида экологик ҳавфсизликни таъминлашга кўмаклашиш каби дастурий вазифалари рўёбда муҳим аҳамият касб этади.

Жуманазар ОТАЖОНОВ, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси

## Жараён

**Маълумки, айни вақтда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси Бухоро ва Самарқанд вилоятларидаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятида ҳуқуқий экспериментдан ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ва маромига етказиш, энг муҳим ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларнинг ечимини топиш юзасидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олиб бораётган фаолиятдан фуқароларнинг ҳабардорлигини ошириш, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга доир вазифаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини янада мухташамлаб қўйишдан иборатдир.**

Ушбу қонун лойиҳасини ҳар икки вилоятда синовдан ўтказиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан бир қаторда, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда уларнинг фаолияти ҳақида ахборот олишдан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажрибадан ўтказилаётгани мамлакатимизда илғор ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, ижтимоий ҳаётимизни демократлаштириш жараёнида янада чуқурлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига очиқлик, ошқоралик бериш орқали улар ишининг самарадорлигини ошириш, фуқаролар ҳаётига дахлдор масалалар бўйича қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, пировардида, ушбу қонун лойиҳасига аниқ, асосли талқин ва тавсиялар олишда беқийёс аҳамият касб этади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикаси Пре-

зидентининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тўғрисида» ги Фармоишига мувофиқ ташкил этилган ишчи комиссиянинг мажлисида ана шулар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Ийгилишни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ишчи комиссия раҳбари Дилором Тошмухамедова олиб борди.

Унда Ишчи комиссия аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари ҳокимликларининг масъул ходимлари, ҳар икки вилоятдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Мажлисида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳаси нормалари синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказишнинг бориши, ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар якун-

# ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ:

## яқунловчи босқичдаги фаолиятнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди

ларини сарҳисоб қилиш, ҳуқуқий эксперимент самарадорлигини янада кучайтириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, ҳуқуқий экспериментнинг яқунловчи босқичидаги фаолиятнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Сўзга чиққанлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда мазкур ҳуқуқий тажриба муҳим омили бўлаётганини таъкидлашди. Хусусан, ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат органларига қилган муурожаатлари сони кескин ошгани ўтказилаётган экспериментнинг самарадорлиги, фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ишончи ошганлигини далиллади. Жумладан, ҳуқуқий эксперимент амалга оширилиши мобайнида фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари томонидан Самарқанд вилояти ҳокимлигига 274 та, шаҳар ва туман ҳокимликларига 368 та, ташкилот ва корхоналарга 2194 та, Бухоро вилояти ҳокимлигига 183 та, шаҳар ва туманлар ҳокимликларига 316 та, корхона ва ташкилотларга 1014 та сўров келиб тушган. Умуман, Самарқанд вилояти бўйича жами 2836 та, Бухоро вилояти бўйича 1513 та сўров рўйхатга олинган. Уларнинг 91 фоизи қанотланганлиги, ахборотдан фойдаланувчиларга тегишли жавоблар қайтарилган, қолган сўровлар эса кўриб чиқилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ва фуқаролар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олиш манбаи сифатида ушбу давлат органларининг

очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш усулидан кенг фойдаланишмоқда. Бугунги кунга Самарқанд вилояти давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг 129 нафар вакили ҳамда 9 нафар фуқаро иштирок этган. Бухоро вилоятида эса 42 нафар нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва фуқаролар давлат идораларининг коллегиал ийгилишларида қатнашган.

Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Хусниддин Ғойировнинг таъкидлашича, жамоатчиликни ҳабардор қилиш учун оммавий ахборот воситалари орқали давлат органларининг фаолияти тўғрисида ахборот эълон қилиш усули ижобий самара бермоқда. Хусусан, Бухоро вилояти оммавий ахборот воситаларида вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарлари, давлат бошқаруви органлари мутасаддилари томонидан ўз фаолиятлари хусусида 224 та материал чоп этилди. Телерадиоканаллар, Интернет ресурслари орқали жами 339 та чиқишлар қилинди.

— Самарқанд вилоятида ҳуқуқий экспериментнинг бориши, ахборот очиқлигини таъминлаш ва қонун лойиҳаси мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш борасида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари фаоллик кўрсатишмоқда, — дейди Самарқанд вилояти ҳокимлигининг ташкилий назорат гуруҳи раҳбари Абдухамид Тамиқов. — Яъни, ҳуқуқий эксперимент жараёнида ҳақида 376 та материал оммавий ахборот воситалари орқали

эълон қилинди. Ҳуқуқий экспериментнинг 91 та субъектидан 58 таси Интернет тармоғида ўз расмий веб-сайтларига эга, 26 та субъект юқори турдаги ташкилотларнинг веб-сайтлари негизда ўз веб-саҳифаларини очди.

Ийгилишда Самарқанд ва Бухоро вилоятлари ҳокимликларининг веб-сайтлари фаолияти юқори даражада йўлга қўйилгани, уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ келиши даражаси 100 баллдан 85,3 ва 94,8 баллни ташкил этаётгани мақсадга мувофиқ эканлиги қайд этилди. Ҳуқуқий эксперимент субъектлари расмий веб-сайтларининг ҳолати мониторинг яқунларини сарҳисоб қилишда уларнинг контент тўлдирлиши жиҳидий равишда яхшилангани кўзга ташланган.

Мажлисида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада оширишга қаратилган бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди. Жумладан, Ахборот-кутубхона ва «Узархив» агентлиги тизими муассасаларида ҳуқуқий эксперимент субъектларининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш юзасидан янги, такомиллаштирилган шарт-шароитларни яратиш амалиёти, шунингдек, ахборот-кутубхона ва архив фондларини ҳуқуқий эксперимент субъектлари фаолияти тўғрисидаги ахборот билан тўлдириш бўйича амалга оширилаётган ишларнинг бориши диққат марказида бўлди. Иштирокчиларга ҳуқуқий эксперимент мавзуси бўйича ўтказилган социологик тадқиқотлар яқунларига доир таҳлилий ахборот натижалари, ахборотдан фойдаланувчилар томонидан ўтказилаётган

эксперимент ҳамда унинг субъектлари ўз ахборот очиқлигини таъминлаш фаолияти самарадорлиги баҳоланиши юзасидан жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадбирлар тўғрисида ахборот тақдим этилди.

Шунингдек, эксперт ва мутахассислар томонидан ҳуқуқий эксперимент жараёнидаги ўзидан акс эттирган марказий ва ҳудудий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар таҳлил этилди. Ҳуқуқий экспериментнинг мақсад ва вазифаларини самарали бажариш юзасидан фаолиятни кучайтириш лозимлиги қайд этилди.

Бинобарин, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ахборот сиёсатини тўлиқ шакллантириш ва изчил амалга ошириш, уларнинг ахборот хизматлари ишини янада фаоллаштириш, ахборот макони иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг сўровларига нисбатан масъулиятни ошириш, интернет тармоғидаги веб-сайтларни такомиллаштириш, ахборот-кутубхона ва архив фондларига ахборотни тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этиш сингари масалалар атрофида муҳокама қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди. Пировардида, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан аниқ фикр, талқин ва тавсиялар ишлаб чиқилган бў

## Ёшлар тарбияси

билан боғлиқ масалалар ҳудудий Кенгашларда муҳокама этилди

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

ЎзМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши “Ёшлар қаноти” ташаббуси билан “Ёт ғояларга қарши курашиш давр — талаби” мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда партия фаоллари, олимлар, тадқиқотчилар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва ёшлар иштирок этди.

— Глобаллашув жараёнида миллий маданиятга жиддий таҳдид солаётган оммавий маданият ва бошқа ёт ғояларга қарши курашишда, энг аввало, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар онгида мафқуравий иммунитетни мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони етакчи мутахассиси А.Утениязова. — Ёш авлодни миллий-маънавий, тарихий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, жамиятнинг ижтимоий тараққиёт йўлида тўсиққа айланган ва миллий манфаатларимизга зид бўлган иллатларга қарши курашишга кўмаклашиш партия сайловиди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Жамият тараққиёти, Ватан равнақи ёш авлоднинг илмий салоҳияти, миллий ва умумбашарий кадриятларга содиқлик руҳида тарбия топишига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда ёшларнинг билим олиб, касб-хунар эгаллашлари учун барча шароитлар яратиб берилган. Бу, ўз навбатида, келажагимиз таянчи бўлган ёшларга алоҳида маъсуллик юклайди.

Тадбирда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида бир қанча норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлиги, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтиришда партия ташкилотлари томонидан амалга оширилган лойиҳа ва тарғибот тадбирлари муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди. Тадбир доирасида “Оммавий маданият таҳдиди” номли видеоролиқ намойиш этилди. Ёшлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

### БУХОРО

ЎзМТДП Ғижувон туман Кенгаши томонидан “Ёшлар — миллий давлатчилигимиз ва миллий манфаатларимиз таянчи” мавзусида тадбир ўтказилди.

— Келажагимиз эгаларининг ўз тарихини билиши, ота-бобларимизга муносиб авлод бўлиб вояга етиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган, қолаверса, бу давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан фойдаланишга айланган, - деди тадбирни кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Ғижувон туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раис Уринбосари Н.Саъдуллаева. — Тарихимизни, аждодларимиздан қолган бой маънавий меросимизни ёшларга етказиш, уларни ёт ғояларнинг салбий оқибатларидан асраб-авайлаш ҳозирги даврнинг асосий талабларидан биридир.

Таъкидланганидек, ёшларни миллий урф-одат, қадрият ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг замонавий билим ва касб-хунар эгаллашларига кўмаклашиш ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан саналади. Ўшбу дастурий вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида партия томонидан ёшларнинг сиёсий, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини намоеён этишга қаратилган лойиҳалар сони тобора кенгайиб бормоқда. Ўнг қувонарлиси, бундай ташаббуслар атрофида юзлаб иқтидорли, изланувчан, ташаббускор ёшлар бирлашмоқда. Шунингдек, келажагимиз ворисларига яратилаётган имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланишига кўмаклашиш, ёшларимизга миллий ғоянинг асосий тушунча ва тамойилларини чуқур тушунтириш, миллий қадриятлар, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ҳамда ёш авлодни яратувчанлик жараёнига сафарбар қилиш асосий вазифаларимиз эканлиги эътироф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида локаллик ва бепарволикка йўл қўймастик, уларнинг маънавий олами миллий қадрият, анъана ва шарқона тарбия билан суғурилган эзгу ғоялар билан бойитиш жамият равнақи йўлида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

### СУРХОНДАРЁ

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят Кенгашининг жорий йилнинг ўтган давридаги фаолияти яқунлари ва келгусидаги устувор вазифаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Кун тартибидоги масалалар юзасидан партия вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони раҳбари С.Абдураимов сўзга чиқиб, жумладан, шундай деди: — Истиклол йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Сиёсий партияларнинг жамиятни модернизация қилиш борасидаги таъсирини кучайтиришда кўппартиявийлик тизими муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда бугунги кунда тўртта сиёсий партия ўз электорати хоҳиш-иродасини ифода этган ҳолда ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга интиломоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш демократик” партияси ҳам ўз дастурий мақсадларини амалга ошириш, партия сафини сиёсий етуқ кадрлар ҳисобига кенгайтириш борасида муайян саъй-ҳаракатларни амалга ошириб келмоқда.

Тадбирда партия вилоят Кенгаши таркибидоги бошланғич партия ташкилотлари фаолияти, отуқ ва камчиликларига алоҳида эътибор қаратилди. Давра суҳбатиде партия вилоят Кенгаши фаоллари, халқ депутатлари шахар ва туман Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

### НАМАНГАН

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, муносиб шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу жараёнда ЎзМТДП ҳам фаол иштирок этишга интиломоқда.

ЎзМТДП Поп туман Кенгаши “Аёллар қаноти” томонидан “Оила мустаҳкамлиги — турмуш ободлиги” мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда партия туман Кенгаши фаоллари, “Аёллар қаноти” ва бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Жорий йилнинг “Обод турмуш” йили деб номланиши мамлакатда оила институтининг ривожини, унинг миллий анъаналар асосида янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, оила халқимиз учун гоёт муҳим ҳаётий қадриятлардан саналади. Конституцияимизнинг 63-моддасида: “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”лиги белгилаб қўйилган. Биз кўраётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятида оила ўзига хос институт сифатида муҳим ўрнни тутади.

Тадбирда ЎзМТДП сайловиди Платформасида шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлиги, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган ишлар олиб бориш, “Юксак маънавийли оила орқали юксак тараққиёт сари” деб номланган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва амалга ошириш устувор вазифа этиб белгиланганлиги ва бу борада партия томонидан олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар ҳақида сўз борди.

Тўмарис АЪЗАМ,  
“Milliy tiklanish” мухбири

## ЎЗМТДП дастури — амалда

# Партия электорати ҳимояси

дастурий вазифалар ижроси билан чамбарчас боғлиқ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, марказий ва ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталари вакиллари, мутахассислар, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, оилавий тадбиркор ва хунармандлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Семинарда ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов маъруза қилди:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ва бутун жамиятга катта зарар етказяётган товарлар контрабандасига қарши курашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорига олиб чиқиш, халқаро майдонга “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” брендини олиб кириш, истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасида миллий брендлар юзга келишига кўмаклашиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган тизимли чоралар қўришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис па-

латалари қўшма мажлисида тақдим этилган Концепцияда илгари сурилган «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида руҳсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги, «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунлар ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдирлишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, республика-мизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, оилавий тад-

ҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётган қонуналар, Президентимиз қарор ва фармонлари мазмун-моҳиятига тўхталиб ўтди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”-ги Қарори айнан партияимиз дастурий мақсадлари билан ҳамо-

- “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун партия электорати ҳимоясида муҳим аҳамият касб этмоқда
- Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш ЎзМТДП дастурий мақсадларидан саналади
- Солиқ имтиёзлари маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда

биркорлик субъектлари учун қўлай имконият ва шарт-шароитлар яратиш мақсадида қатор солиқ имтиёзлари жорий қилинди. Бу эса, ўз навбатида, замонавий юқори технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ҳамда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи янги маҳаллий корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, партия етакчиси ма-

ҳангдир. Жумладан, қалбақлаштирилган товарларни республикага ноқонуний олиб кириш ва сотишга қарши курашиш орқали халқаро тажрибада эътироф этилган ташки савдо фаолиятини тартибга солиш, маҳаллий корхоналар учун ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, юқори сифатли товарларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қўлай шароит яратиш мақсадида қабул қилинган мазкур қарор ижроси, унда белгиланган вазифаларни амалга оширишда барча даражадаги

партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларимиз фаолият кўрсатишлари зарур.

Бугунги семинар эса тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, ички бозорларимизни хоризнинг сифатсиз маҳсулотларидан ҳимоя қилиш борасида қабул қилинган Президентимиз Фармон ва Қарорларининг ижросини таъминлашга кўмаклашиш ва бу борада партияимиз олдида турган вазифаларни муҳокама қилиб, тегишли тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади, - деди пировардида партия раҳбари.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси вакиллари маъруза қилишди. Таъкидланганидек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар Маҳаллийлаштириш дастури асосида 2014 йилнинг 1 январига ҳойда солиғи, мол-мулк солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод қилин-

ган. Солиқ имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар эса янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, реконструкция қилиш, модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмаларни молиялаштиришга, шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини пасайтиришга йўналтирилмоқда. Тадбирда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш борасида Ўзбекистон Давлат Божхона қўмитаси томонидан яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар юзасидан қўмита вакил-латрофила маълумот берди. Умуман, семинар давомида соҳа мутахассислари томонидан иштирокчиларга оилавий тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари юзасидан тушунча, маълумот ва тавсиялар тақдим этилди.

### Жамила НИЁЗОВА, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексиде доимий тусдаги имтиёзлар белгиланганлиги билан бир қаторда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарорлари билан доимий ҳамда муайян муддатга солиқ имтиёзлари жорий қилинган бўлиб, ушбу имтиёزلардан ишлаб чиқариш соҳасидаги маҳаллий корхоналар ҳам қўнун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Шу билан бирга ЎзМТДП электорати бўлган оилавий тадбиркор ва уста-хунармандлар ҳам юртимизда яратилаётган ишбилармонлик муҳитидан унумли фойдаланган ҳолда ўз фаолиятларини самарали тарзда йўлга қўйишмоқда. Мазкур семинар эса маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш масалалари атрофида муҳокама қилинган билан аҳамиятли бўлди. Зеро, семинар мобайнида соҳада дуч келинаётган айрим муаммо ва тушунмовчиликлар баён этилиб, бунга жавобан юқори ташкилот, вазирлик ва идоралар вакиллари томонидан атрофила тавсия ва маълумотлар берилди.

### Мунира ҚОРИЕВА, Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:

— Миллий хунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш, шу асосда хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга кўмаклашиш партия сайловиди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади. Ўшбу дастурий вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган бугунги семинар партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Эътироф этиш жоизки, семинарда ҳудудлардан ташриф буюрган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ҳамда оилавий тадбиркорлар соҳа мутахассисларидан ўзларига керакли маълумотларни олишди. Келгусида бу каби амалий семинарлар ҳудудлар ҳам ташкил қилинса, айни муддао бўлади.

### Манзура ЮСУПОВА, оилавий хунарманд (Андижон вилояти):

— Миллий хунармандчилик соҳасида фаолият юритиб келаман. Партия аъзоси сифатида унинг лойиҳа ва тадбирларида мунтазам катнашиб, ўзим учун керакли маълумотларга эга бўламан. Мазкур семинарда ҳам фаолиятимизга тааллуқли муҳим маълумот ва тавсиялар берилди. Бу келажақдаги фаолиятимиз самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Мухтарам ПАМАЗОНОВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири

### Маҳаллий Кенгашларда

# Фаолиятимизда самарадорликка эришиш

електорат манфаатлари ҳимоясида муҳим мезондир

**Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий кадриятларимизни, халқимизнинг анъаналари ва урф-одатларини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, халқимизни демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчанлик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни мақсад қилган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ўзининг марказий ва ҳудудий ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти билан жамиятда амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланишларда фаол иштирок этишга, юрт тараққиётига кўмаклашишга интиломоқда.**

Партия фаолиятига назар ташлар эканмиз, унинг Ватан тараққиёти, Юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига қай даражада ҳисса қўшаётганига эътибор қаратиш лозим бўлади. Хўш, бугун маҳаллий Кенгашларда ЎзМТДП дастурий вазифаларини амалга ошириш ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда? Партия сафидаги маслақдошлари-

миз сонини кўпайтиришда улар қай даражада фаоллик кўрсатишмоқда? Сайловчилар ишончини қозониш ва уларни ўйлантираётган муаммо ва масалаларни ҳал қилишда депутатлик гуруҳлари қандай ташаббуслар билан чиқишаёпти?

Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгаши фаолиятига эътибор қаратдик. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда партия вилоят Кенгашидаги аъзолар сони 10 минг 737 нафарни ташкил этади. Жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида вилоятда ўтказилган тадбирлар сони 800 га яқинлашган. Партия дастурий мақсад-вазифалари тарғиботига қаратилган тадбирлар ташкил этишда Вобкент туман Кенгаши фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида туманда 60 дан ортиқ турли мавзудаги тадбирлар ўтказилган ва улар марказий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган.

2012 йилнинг 1 октябр ҳолатига қўра, Вобкент туман Кенгашида партия кўйи бўғинлари сони 27 та ва аъзолар сони 1012 нафарни ташкил қилган бўлса, ҳозирда партия гоё ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган саъй-ҳаракатлар ва турли тадбирлар натижасида аъзолар ҳамда кўйи бўғинлар сони бирмунча ўсган. Бугунги кунда туман Кенгашида 33 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар ўз атрофида 1200 нафарга яқин

партия аъзосини бирлаштирган ҳолда ЎзМТДП ғоялари тарғиботида фаол иштирок этмоқда.

Халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган 4 нафар депутат ўз фаолияти давомида электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, партия дастурий вазифаларини амалга ошириш, сайловчиларни ўйлантираётган муаммо ва камчиликларни бартараф қилишга эътибор қаратишмоқда. Депутатлик гуруҳи томонидан халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига партия гоё-мақсадла-

- ЎзМТДП Вобкент туман Кенгашида ўтган 9 ой мобайнида 60 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди
- Туман Кенгашида 33 та бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда
- Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан туман тарихи музейи ташкил этиляпти

ридан келиб чиққан ҳолда қатор ташаббус-масалалар киритилмоқда. Хусусан, ўтган 2012 йилда туманда тарих музейи ташкил этиш бўйича ташаббус-масала киритилиб, қарор қабул қилинди ва айни пайтда бу борада амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жорий йилда эса туманда марказий китоб дўкони ташкил қилиш тўғрисидаги масала туман ҳокимлигида қўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинишига эришилди. Яъни ЎзМТДП депутатлик гуруҳининг ўшбу тақлифи туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланиб, самарали натижага эришиш юза-

сидан амалий ишлар қилинмоқда. Бундан ташқари аҳоли мурожаатлари юзасидан депутатлар турли ташкилот ва идораларга сўров билан чиқиб, уларнинг ижобий якуни топишига эришишмоқда. Депутатлик гуруҳи доимий комиссиялар йиғилишларида ҳам турли тақлифлар билан чиқиб, аҳоли фаровонлигини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП Вобкент туман Кенгаши томонидан ёшлар ва хотин-қизлар фаоллигини ошириш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий

билимларини юксалтиришга кўмаклашиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “Ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш — асосий вазифамиз”, “Партия гоёси тарғиботида ёшлар ва хотин-қизларнинг ўрни”, “Баркамол ёшлар — обод Ватан келажи” мавзуларидаги тадбирлар келажагимиз эгалари ҳамда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ташаббускорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

М.КОМИЛОВА,  
“Milliy tiklanish” мухбири







**Шахрихон энгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи меҳнат бозорига мультимедиа тизимлари ва дастурий таъминот, компьютер ва компьютер тизимларини созиш ва таъмирлаш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, йиғирув, тикув ва трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш каби йўналишларда мутахассислар тайёрламоқда.**

**1916 нафар йиғит-қиз таҳсил олаётган коллежда 87 педагог ва 21 ишлаб чиқариш устаси таълим-тарбия жараёнига масъул. Бу ерда ёшлар ўзлари таллаган йўналишни пухта ўзлаштириш билан бирга, дарсдан бўш вақтнинг мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилган. Ундан зийд тўғарақларда инглиз тили, компьютер графикаси, пазандалик, чеварлик бўйича қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда.**

**Хурсандбек АРАББОЕВ (ЎЗА) олган суратлар.**

## Обод гўша

# “Оилавий келажакнингни режалаштир”

тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида ана шундай лойиҳа асосида иш олиб борилмоқда

**Юртимизда тинчлик-осойишталик, хавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилиш, жамиятимизнинг фаровонлиги ва гуллаб яшаш борида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилади. Аҳоли фаровонлигини, унинг реал даромадлари ўсишини таъминлаш, бандликни ошириш, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик ва касаначилик ҳаракатини янада ривожлантириш тобора такомиллашиб бормоқда.**

ланди. Кам таъминланган оила фарзандлари, шунингдек, таълимда юксак натижаларга эришадиган ўқувчи-талабалардан 50 нафари Самарқанд шаҳридаги тарихий обида ва диққатга сазовор жойларга саёҳат қилиб келишди.

Тумандаги 93 та умумтаълим мактабларида 37 минг 30 нафар ўғил-қиз таҳсил олмақда. Уларга 3780 нафар малакали устоз ва мураббий таълим бериб келаётди. Туманда мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Умидниҳоллари» спорт мусобақаларида 93 та умумтаълим мактабларидан келган 1618 нафар ўғил-қиз фаол иштирок этиб, спортга бўлган қизиқишлари юқори эканини ютуқ ва ғалабалари орқали исботлашмоқда. Тумандаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 1066 нафар ўқувчи спорт билан мунтазам шуғулланиб келаяпти. Маҳалла институти бўлими фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро алоҳида эътибор қаратилади. Маҳаллалар ҳудудда жойлашган яққа тартибдаги иморат ва кўп қаватли уйларидаги пештоқи ва томларини янгилаш, кўча ва йўлакларни қайта таъмирлаш, тумандаги мавжуд болалар майдончаларини қайта таъмирлаш, уларни ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, ижтимоий фаоллигини кучайтириш ва аёллар бандлигини таъминлаш, уларни иқтисодий турли тармоқ ва соҳаларига жалб этиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Жумладан, касб-хунар коллежларини эндигина тамомлаган қизларга имтиёзли кредитлар бериш йўли билан тадбиркорликка жалб этиш, уларни мо-

лиявий кўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. Шу мақсадда, асосан аёллар меҳнатидан фойдаланувчи 3 та оилавий корхона, 250 тага яқин оилавий деҳқон хўжаликлари ташкил этилди ва уларга тижорат банклари томонидан 500 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, оила фаровонлигини таъминлаш мақсадида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш лойиҳаси амалга оширилди. 80 нафар аёлнинг тадбиркорлик малакаси ҳамда молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган тренинглари ташкил қилинди. Уларнинг 18 нафарига имтиёзли микрокредитлар берилди. Туман маҳалла фуқаролар йиғинларида «Оилавий келажакнингни режалаштир» мавзусида оилавий бюджетни шакллантириш, ёш оилаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича ҳам тренинглари ўтказилди. «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг мақсад ва аҳамияти, унда белгиланган вазифаларни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда ЎзМТДПдан сайланган депутатлар иштирокида «Ободлик кўнглидан бошланади», «2013 йил — Обод турмуш йили», «Хорманг, қишлоқдош!», «Аҳил маҳалла», «Оддий одамлар — орзулари ойдин одамлар», «Турмуш фаровонлиги — меҳнатда», «Барака — озодликда», «Оила — кўрғоним», «Рўзгорини уйдалаётганлар», «Сариштали оила бекалари», «Томорқа имкониятлари» каби мавзуларда мунтазам учрашув, суҳбат, кўрсатув ва эшиттиришлар ташкил этилиб, халқимизга ободликнинг асл моҳияти кенг ва атрофича етказилмоқда.

**Шухрат НЕГМАТОВ, Иштихон тумани ҳокими, ЎзМТДПдан сайланган вилоят кенгаши депутати**

## Фаолият

# Табиатни асраш

жамоанинг бош мақсадига айланган

**Саксовул — шўрадошлар оиласига мансуб бута санлади. Осиёнинг чўл ва чала чўл минтақаларида табиий ҳолда ўсадиган саксовулнинг фанда 5 тури маълум. МДХ давлатларида қора саксовул, оқ саксовул, зайсон каби 3 тури кенг тарқалган. Мамлакатимизда эса қора ва оқ саксовул турлари асосан Қизилқум, Каттақум, Ўзёён ва Нукус қумли чўлларида ўсади.**

Қора саксовул шўрхок ерларда кенг тарқалган бўлса, оқ саксовул асосан қумларда ўсади. Қора саксовулнинг ёғочлари қаттиқ ва мўрт бўлиб, яшил барглари қўй ва туялар учун яхши озуқа манбаи ҳисобланади. Чўл ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳоли томонидан улар ўтин сифатида ҳам фойдаланилади. Унинг қулидан ишқор олинади.

Шуниси ачинарлики, ўсимликнинг фойдали хусусиятлари бугунги кунда уларнинг кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса соҳа мутахассислари ва ўрмончиларни мавжуд табиий саксовулзорларни асраш ва муҳофаза қилиш, уларни янгидан кўпайтириш чора-тадбирларини излаб топишга ундамоқда. — Чўлларда саксовулларни ўстириш катта аҳамиятга эга, — дейди Фориш давлат ўрмон хўжалиги раҳбари Сорабек Наврўзов. — Саксовулзорлар қумларни мустаҳкамлаб, қумтуз шамоллари ва кўчкиларнинг олдини олишда табиий омил саналади.

Айтиш керакки, мўъжизакор табиатнинг ўзига хос қонуниятлари кишини ҳайратга солади. Хусусан, уруғ экиб, кўчат етиштиришнинг ҳам ўзига яраша кўплаб сир-синоатлари бор. Одатда, аксарият кўчатлар баҳор ойларида экилади. Аммо, саҳро келинчаги деб ном олган саксовулларни экиш бундан мустасно бўлиб, мутахассисларнинг айтишича, ушбу ўсимлик декабрь-январь ойларида маълум агротехник талабларга риоя қилган ҳолда экилади. Ўрмон ва чўл минтақаларида ўсимликлар генофондини сақлаш, тупроқ шўрланishiга қарши курашишда саксовулнинг бекиёс аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда Фориш давлат ўрмон хўжалигида ҳам уларни экиш ва кўпайтириш, ҳудудга мослаштириш устида мунтазам иш олиб борилмоқда.

— Тахриб сифатида дастлаб 2007 йилда саксовул экиш ишларини бошлаган эдик. Кейинги икки йилнинг анчайин турғоқчил келиши ишимизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, — дейди Фориш давлат ўрмон хўжалигининг ўрмонларни кўриқлаш ва муҳофаза қилиш бўйича муҳандиси Сафар Бердиев. — Табиат инжиқликларига қарамай, жонқуяр, фидойил ўрмончиларимизнинг саъй-ҳаракати боис, Қизилқум чўлларида ўсадиган саксовул уруғи келтирилиб экилди. Айна пайтда ўрмон

хўжалигида мавжуд майдоннинг 1500 гектари 2-3 ёшли саксовулзорлардан иборат.

Дарҳақиқат, Фориш давлат ўрмон хўжалигининг умумий ер майдони 70976 гектарни ташкил этади. Шундан ўрмон билан қопланган ер майдонлари 35 280, туташмаган ўрмонзорлар 10733, кўчатхоналар 2 гектарни ташкил этади. Асосий мақсади ўрмонларни кўриқлаш ва муҳофаза қилиш, янгидан ўрмон барпо қилиш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари етиштириш бўлган хўжаликнинг фидойи ходимлари томонидан ҳар йили 311 гектар майдонда янгидан ўрмон барпо этилмоқда. Шундан кўчатдан ҳосил қилинган 11 гектар тоғли минтақа ҳамда 300 гектар чўлли минтақада ўрмонзорлар барпо қилинмоқда. Хўжаликда ёнғоқ, бодом, ўрик, шафтоли, тут, pista сингари мевали дарахтларнинг 6 тури етиштириладиган бўлса, можвельник, шарқ туяси, эман, каштан, крим қарагайи, япон сафораси, саксовул каби манзарали кўчатларнинг 13 тури етиштирилмоқда. Ушбу кўчатлардан воҳанинг кўча ва хиёбонларини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, янги ўрмонлар барпо этишда кенг фойдаланилмоқда.

— Махсулдор ўрмонлар барпо этиш, уларнинг дарахт таркиби ва сифатини яхшилаш, юқори ирсий хусусиятларга эга бўлган дарахт ва буталар уруғларини териш, мавжуд табиий ҳамда маданий ўрмонзорларни келажак авлодларга соф ҳолда етказиш зиммаларидан устувор вазифа саналади, — дейди С.Наврўзов. — Жамоатимиз томонидан ўрмонзорларнинг табиий тикланишига кўмаклашиш, кўплаб маданий ўрмонлар барпо этиш, кўчкиларга қарши курашиш чораларини кўриш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш мақсадида турли дарахт навлари кўпайтирилмоқда. Бундан ташқари, ўрмонзорларни парваршилаш, суғориш тармоқларини таъмирлаш, ўрмон хўжалиги аҳамиятига молик йўللари қуриш, турли касаллик ва зараркунданларга қарши курашиш тадбирлари кенг кўлаmda амалга оширилмоқда.

Богдон, Учма, Ухум ва Арнасой ўрмончилик бўлиmlарида хўжалик томонидан олиб борилётган бу каби ибратли ишларда Ҳ.Норбеков, С.Бердиев, Д.Исломов, Б.Нишонов, М.Бердиев, А.Халилов, Х.Турлиев, С.Холмирзаев, Б.Алимов, А.Умаров сингари заҳматкаш ўрмончиларнинг ҳиссаси катта. Ўрмон хўжалиги таркибида ташкил этилган асарларчилик, балиқчилик, товуқчилик хўжаликлари жамоа учун кўшимча даромад манбаи бўлиб хизмат қилади. Жумладан, асарлари хўжалигида йилга бир тоннадан зийёд асал махсулотлари етиштирилади. Олиб борилётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар туфайли жорий йилда ҳосилдорлик яна 14 фоизга ошди.

**Дилноза ҲАЙИТОВА, “Milliy tiklanish” муҳбири**

## Анжуман

# Тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш

долзарб вазифа

**Мамлакатимизда тинчлик-осойишталикни сақлаш нафақат жамоатчилик, балки ҳар бир фуқаронинг фаоллиги ва фидойилигига ҳам боғлиқ. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурда Жамоатчилик кенгашининг ташкил этилгани бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш, миллий армиямиз ва аҳоли ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурдаги Жамоатчилик кенгаши ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган “Фуқаролик назорати механизмининг шакллантириш, очиклик ва ошқоралик” мавзусидаги матбуот конференцияси ана шу долзарб масалага бағишланди. Унда Ўзбекистон

мундан олиб бориладиган ишлар — ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг маънавий-руҳий ҳолатини мустаҳкамлашдаги роли, шунингдек, кенгашининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги масалаларига эътибор қаратилди. Бундан ташқари, Мудофаа вазирлиги ва унга кўмаклашувчи ташкилотлар ҳамкорлигида чакрикувга тайёрланган ўспиринлар ва ҳарбий хизматчилар орасида тарбиявий, маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилётгани ҳақида атрофича маълумот берилди. Айниқса, ОАВ ҳамкорлигида ўтказилган конференция, форум, семинар, тадбир ва давра суҳбатлари хизматга чақирилувчи ёшлар маънавиятини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани таъкидланди.

## Қарор ва ижро

# Қалбаки махсулотлардан муҳофаза қилади

**Ўзбекистон миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуман чоғида айрим “тадбиркор”лар томонидан юртимизда етиштирилган қишлоқ хўжалик махсулотларини четга ноқонуний равишда олиб ўтишига, контрафакт махсулотларни олиб қиришга уринишлар ва бошқа қонунага зид хатти-ҳаракатларга қарши кўриладиган чора-тадбирлар, бу ҳаракатларга республикамиз божхоначилари томонидан ўз вақтида чек қўйиладиганлиги, ноз-неъматлар элимиз дастурхонига қайтариладигани ҳақида сўз борди.**

Президентимизнинг 2013 йил 29 январдаги “Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган махсулотларнинг рақобатдошлигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб қиришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида”-

ги қарори бу соҳада салбий ҳодисаларни олдини олишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Айтиш мумкинки, бу қарор шу йўналишда олиб борилётган чора-тадбирларнинг янги боسقини бошлаб берди. Қарорга мувофиқ, 2013 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб қираётган ёки транзитни амалга ошираётган юк ташувчилар чегарани кесиб ўтган жойдаги божхона органларига ўтказилаётган товарлар тўғрисидаги маълумотни, шу жумладан уларнинг номи, миқдори, вази ва юклар қиймати, шунингдек уларнинг кодлари ҳақидаги маълумотни тақдим этиш шартлиги белгиланган бўлибди. Бундан ташқари, янги тартиблар, талаблар жорий этилган бўлиб, улар аҳолини юқори сифатли махсулотлар билан таъминлаш, ички бозорни қалбаки товарлардан муҳофазалашга хизмат қилади.

Тадбир доамида ОАВ вакиллари мавзу ва божхона фаолиятига доир бошқа масалалар бўйича ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

## Тадбир

# Жамғарма экспортни қўллаб-қувватлайди

**Миллий матбуот марказида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ўз фаолияти ҳақида аҳоли ва оммавий ахборот воситаларига маълумот берди.**

айниқса, хусусий сектор фаолиятини янада ривожлантириш учун қулай шароит яратиш имконини берди. Ушбу ҳужжатга асосан амалга ошириладиган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг ишлаб чиқаришдаги улуши ортиб, унинг ташқи бозорга чиқиши, янги ҳамкорлар излаш жараёни анча енгиллашди. Бу жараён Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳудудий филиалларидаги мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан амалга оширилади.

Тадбирда иштирокчилар жамғарма ва

зифалари билан таништирилди. Хусусан, жамғарма экспортга мўлжалланган махсулотларни мамлакат брендларини ривожлантириш, экспорт қўламини кенгайтириш, хорижий мамлакатлар қонунчилигига мувофиқ зарур лицензия, рухсатнома ва сертификатлар, халқаро тендер савдоларида иштирок этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, йиғим ва бошқа тўловлар учун беғараз молиявий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланади.

**Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” муҳбири**

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, жамғарма,

# Халқаро ҳаёт

Бизнинг шарҳ

## БРАЗИЛИЯ ПАРЛАМЕНТИ



эгадир. Президентлик ва вице президентлик лавозимига номзодлар, федерал округдаги штаб губернатори ва вице губернаторлар камида 35, федерал округ, штат қонунчилик идораси, парламент куйи палатаси депутатлари, вазирилар 21 ёшга тўлган бўлиши даркор. Амалдорларга 70 ёшгача ишлашга рухсат берилади.

Бразилияда худди қўшни АҚШ каби иккита федерал ва штат судлари мавжуд. Камида ўн йил ҳуқуқшунослик соҳасида тажриба орттирганлар судья ва прокурор бўлиб ишлашга ҳақли. Федерал олий судда 11, юқори судда 33 нафар аъзо ишлаётди. Юқори суд штат губернатори, судьялар ишини судда кўриб чиқади, федерал қонунларни назорат қилади. Палаталардаги доимий комиссиялар молиявий тафтиш ишларини олиб бориш жараёнида уларга ҳисоб суди яқиндан ёрдам кўрсатади.

Тарихий маълумотларга қараганда, Бразилия 1822 йили Португалия мустақиллигидан халос бўлгач, империя мақомини олган. Унинг майдони 8 миллион 514 минг квадрат километрдан ортиқ бўлиб, Франция Гвианаси, Суринам, Гайана, Венесуэла, Колумбия, Перу, Боливия, Парагвай, Аргентина ва Уругвай давлатлари билан chegarадор. 1824 йилнинг 25 мартда Педру конституцияси кучга кирган. 1889 йили монархия тўзми тугатилгач, мамлакат президент бошқарувига айлантирилган. Шу йилнинг 15 ноябрь куни Бразилия Республикаси мақомига эга бўлди. 1988 йилнинг 5 ноябрида 255 моддadan иборат янги таҳрирдаги янги конституция кучга кирди.

Бразилияда 26 та штат, битта пойтахт федерал округи, беш мингдан ортиқ муниципалитет бўлиб, 2011 йилнинг 1 январидан мамлакат тарихида биринчи аёл

президент Дилма Руссефф давлатни бошқара бошлади. У пойтахт Бразилиядаги Пранальту саройида иш юритмоқда. Ундан аввал Инасиу Лула да Сильва 2003-2010 йилларда давлатни бошқарган бўлиб, унинг даврида мамлакатда янги иш ўринлари кўпайтирилди. Маълумотларга кўра, бу даврда 20 миллиондан ортиқ фуқаро қашшоқликда ҳаёт кечи-раётганлар сафидан чиқарилди.

Парламент ўз иш фаолиятида кўп-лаб муҳим масалаларни ҳал қилишга қодир. Бу борада ёнги олимпия ўйинларидан торттиб футбол бўйича жаҳон чемпионатлари ҳам депутатлар эътиборидан четда қолмаётди. Мамлакатда соғлиқни сақлаш ва таълим тизими давлат сиёсати даражасига кўтарилгани эътиборга молик. Парламент мавжуд нефть-газ компаниялари томонидан олинаётган даромаднинг учдан икки қисмини айнан шу соҳага йўналтириш борасида қабул қилган қарори аҳоли томонидан муно-сиб қарши олинди.

Бразилияликлар ҳам ўзбеклар каби болажон халқ. Шу боисдан келажак эгалари бўлмиш болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида ҳам қатор тадбирлар белгиланмоқда. Уларнинг қонуний манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинмоқда.

Кейинги пайтда ижтимоий адолатсизликдан норози бўлган маҳаллий аҳолининг парламент биноси ёнига тўпланиши тез-тез кузатилаётганда. Яқинда Мату-Гроссу-ду-сул ўлкасининг резервация қилинишига қарши кўп сонли ҳиндулар қонунчилик идорасидан экин майдонларини фермерларга қайтаришни ижобий ҳал этилишини талаб қилишган. Айни пайтда мазкур масала парламент аъзолари томонидан яна бир маротаба муҳо-мака этилаётди.

Бразилиялик сенаторлар мамлакат мудофаа салоҳиятини мустақамлашга ўз ҳиссаларини қўшмоқда. Яқинда олти нафар сенатор Швецияда «Saab» компаниясига ташриф буюриб, «Грипен» русумидаги самолётларни сотиб олиш борасида музокара олиб боришган.

Азимжон ПЎЛАТОВ

- Сенатор бўлиш учун камида 35, депутат эса 21 ёшдан кичик бўлмаслиги шарт.
- Президент давлат ва ижроия ҳокимияти раҳбаридир. У тўрт йилдан икки муддатга сайланади. Бразилияда вице-президент ва вазирилardan ташқари президентга икки муҳим идора — республика кенгаши ва миллий мудофаа кенгаши камарбасталик қилмоқда. Республика кенгаши — бу президентнинг юқори маслаҳат органи бўлиб, унинг таркибига вице-президент, депутатлар палатаси, федерал сенат раислари, парламентдаги етакчи партиялар раҳбарлари, адлия вазири ва олти нафар шахс киритилган. Улардан икки нафари президент томонидан тавсия этилади, қолганлари федерал сенат ва депутатлар палатаси вакилларидир. Кенгаш фақат 3 йил давомида фаолият юритади.

**Мамлакат миллий конгресси икки палатадан — федерал Сенат ва депутатлар палатасидан иборат бўлиб, Федерал сенатга округ ва штатлардан 81 нафар аъзо сайланади. Яъни, ҳар бир федерация субъектига ўчтадан ўрин ажратилган. Юқори палата вакиллари саккиз йилга сайланади. Шунга қарамай, ҳар тўрт йилда таркибининг учдан икки қисми янгиланиб турилади.**

Депутатлар палатаси учун ўтказилган сайловларда ҳар бир фуқаро партия учун эмас, балки партия томонидан тақдир этилган номзодга овоз бериши қонунда белгилаб қўйилган. Жами 513 нафар депутат 4 йил давомида фаолият юритади.

Миллий Конгрессга ҳар бир ҳудуддан икки нафардан депутат сайланади. Таъкидлаш жоизки, депутат ёки сенатор қонунчилик идорасида фаолият юритиши чекланмаган, яъни улар қайта сайланиши мумкин. Кўп партиявийликка асосланган Бразилия парламентида 20 та партия расмий равишда рўйхатдан ўтказилган. Шу жиҳатдан олганда, қарийб 200 миллион нафар аҳолига эга бўлган мамлакатда парламент сайловлари анча қизгин ва баҳс-мунозараларга бой бўлади.

Депутатлар палатаси ва сенат аъзоларининг ўчдан икки қисми овоз берган тақдирда президент, вице-президент истеъфога чиқарилади ёки уларнинг иши судга оширилади. Шу ўринда сенаторлар депутатларга нисбатан кўпроқ ваколатларга эга эканини айтиш жоиз. Улар куйи палатадагиларнинг айблов хулосасига кўра, импичмент эълон қил-



май, бу ишни федерал олий суд ҳукмига ҳавола этади.

Шу ўринда жиноятга қўл урган парламент аъзоларига қандай жазо чоралари кўрилиши мумкин, деган савол туғилиши ҳам мумкин. Қонунга итоат қилмаган сенатор ёки депутатнинг тақдири Федерал олий судга боғлиқ. Уруш пайтида икки палата розилиги билан депутат ва сенат аъзолари қуроли кучлар таркибига қақрилади, парламент аъзолари тижорат ишлари билан шуғулланмаслиги, вазири, губернатор, штат котиби, федерал округ префекти лавозимида ишлай олмайди.

Миллий Конгресс - парламент йилда икки маротаба 15 февралдан — 30 июнгача ва 1 августдан — 15 декабргача сессия ўтказишга лозим. Сессия оралигида палаталар одатдагидек, алоҳида йиғилишлар ўтказилади. Шунингдек, ҳар икки палата ялпи мажлислари ҳам ташкил этилади. Фақат сенат раисига парламентнинг фавқулодда сессиясини чакирши ҳуқуқи берилган.

Ҳозир Бразилияда яшаётган 190 миллиондан ортиқ аҳолидан 115 миллион нафари (асосан 18 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқаролар) овоз бериш ҳуқуқига

Рангин дунё

**Эйфел минорасидан деярли икки, Вашингтон ёдгорлигидан уч марта баландроқ Канада миллий телеминорасининг умумий узунлиги 553,33 метрни ташкил этади. Бу баландлик тахминан 147 қаватли бинога тенг. Телеминора шу қадар мустақамлигидан ҳатто 8,5 балли зилзила, соатиса 418 км. тезликда эсадиган шамолга-да дош бера олади. Минора 1995 йили замонавий дунё мўъжизалари қаторидан жой эгаллаган.**

Технологик мўъжиза инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. XX асрнинг энг баланд иншооти, деган мақомни олган ушбу минора қурилишига шубҳасиз телевидение сабабчи бўлган. 1960 йиллар сўнггида Торонтода осмонўпар бинолар қурилиши шиддатли тус олди. Бу эса одатий телевизион қурилмалар фаолиятига таъсир кўрсата бошлади. Сигналларнинг улкан бинолардан биноларга урилиб қайтиши натижасида талай муаммоларни келтириб чиқарди. Телевизор одам шарпасига ўхшаш тасвирларни узатар эди. Заиф сигналларнинг кучли сигналлар билан ўзаро тўқнашуви бир пайтнинг ўзида икки ва ундан ортиқ каналларнинг аралашиб кетишига олиб келди. Вазиятни яхшилаш мақсадида Канада миллий темирйўллари ёки CN ташкилоти Торонтонинг энг юксак бинолари қувиб етолмай-диган телеминора қуриш таклифи билан чиқди. Торонто ташкилоти лойиҳа тайёр бўлгач, қурилишга қўл уриш истагида бўлган халқаро муҳандис-экспертлар рўйхатини тузишга киришди. Дастлабки лойиҳага кўра тизимли кўприк бирлаштириб турадиган учта алоҳида минора қуриш кўзда тутилган эди. Лекин бора-бора ушбу лойиҳа 3 та тешик "оёқ"лар кўтариб турадиган 550 метрлик яқка минора қуриш фикри билан яқунланди.

1973 йили минорага тамал тоши қўйилди. Улкан эксковаторлар Торонто бандаргоҳидаги Онтарио қўли қирғоғида 15 метр чуқурликдан 62 тонна сланец (тоғ жинси) ётган ер қавлини. Кейин темир-бетон ва мустақамланган пўлат қоршмасидан қалинлиги 7 метр бўлган У шаклидаги оёқлар қўйилди. Ҳар бир оёқ ўзининг улушига кўра 130,000 тонна минора юқини кўтара олади.

Қурилиш ишларига бор-йўғи 4 ой кетди. Ушунда бетондан қурилган бундай улкан минорани қуриш анчайин қийин кечади, деб ҳеч ким ўйламаган эди. Муаммони енгилатиш учун муҳандислар улкан қолип ясайдилар. Ҳафтада 5 кун 24 соат бетон қўйилади ва у қотиб бўлганидан сўнг қолип айлана гидравлик домкратлар (сув кучи ёрдамида кўтарилувчи ускуна) ёрдамида юқорига кўтариб берилган. Қолип ёрдамида қўйилган минора кўтарилган сари торашиб бораверди. Минора 335 метрга етгач, қурувчилар Скайпод (минорадан ажраб чиққан энг йўғон бўгин) ни қуришга киришди. Етти қаватли Скайпод иккита кузатув залини, битта айлана шаклидаги ресторани, тунги клуб ва теле-радио узатув жихозларини ўзида жамлаган эди. Скайпод 12 та пўлат ва ёғоч тиргалар билан қотирилиб, 45 та гидравлик домкрат ёрдамида секин-аста

## Канада миллий телеминораси



тепага суриб борилди. Минорани ҳисобга Скайподнинг "деворлари" ва айлана қопламали антеннани ҳосил қилган бетонлар қўйилди. Бу радио ва телевидение сигналларини узатувчи нафис микротўлқин антенналарни ҳимоя қилиб туради. Нохуш об-ҳаво шароитини ҳисобга олганда Скайподга ўқдай учиб чиқадиган ойнаванд лифтлар кўз очиб юнгунингизча элтиб кўяди. Минора Скайподга етганда тўхтаб қолмаган. Унинг энг юқори қисми 446 метрдаги Фазо қавати билан тугайди. Фазо қаватини Скайподнинг ён томонларига чиқиб турган бетон асоси кўтариб туради ва шу билан оғирлик Скайпод қисмларига тушмайди. 58 сония (1 дақиқага 2 сония етмай-

ди) ичида лифт Скайподга олиб чиқади. Улкан баландликдаги ойнаванд айвондан туриб шаҳарнинг бетакрор манзарасини томоша қилиш мумкин. Айниқса, ҳаво очиклигида 120 км. узоқликдаги олис ҳудудларни кўрс бўлади. Қурилишнинг яқиний босқичида Сикорскэй Скайкрейн (осмон крани) вертолёт миноранинг 100 метрли мулоқот устунини ўрна-тиш учун ёрдамга келди. Вертолёт бирма-бир устуннинг етти тонна-ли қисмларини миноранинг чўққи-сига етказиб берди. Ишчилар эса қисмларни қабул қилиш учун ўша ердан туриб март ойининг ёқим-сиз шамолларига чидаб, фидойиларча меҳнат қилишди. Қисмлар жой-жойига қўйилгач улар 40 мингта болт ёрдамида мустақам-

ланди. Шундан сўнг, миноранинг темир устунларини емириш хусусиятига эга захарли кукунлардан ҳимояланиш мақсадида "оёқ"лар шиша аралашмасидан тайёрланган ҳимоя қатлами билан қоплаб чиқилди.

Қурилиш ишларининг бошланishi шаҳар аҳолисини бефарқ қолдирмади. "Олга" русумли қурувчи вертолёт ёрдамида келиши натижасида жараён янада шиддатли тус олди. Мўлжалланган барча ишлар деярли уч hafta ичида бажариб бўлинди. "Олга"-сиз бу иш олти ойга чўзилиши ҳам мумкин эди. Минора қурилиши ҳақдаги янгиликлар, унинг кунда-лик жадвали ҳамма-ҳаммининг эътиборига тушган, янгилик сифатида газета ва журналларнинг илк саҳифасидан ўрин эгалларди. 1975 йили қурилиш ишлари ниҳоя-сига етди. Уни қуриш учун 57 миллион АҚШ доллари сарф этилган ҳисоблаб чиқилди. Минора битганидан сўнг бошқа замонавий мўъжизалар билан бемалол рақобатлаша бошлади.

Телеминора бугунги кунда ҳам ривожланишда давом этмоқда. Сўнгги йилларда минорага ташриф буюрувчилар сони кўпайиб бораётгани инобатга олинган ҳолда иккита янги лифт ишга туширилди. Бунга кўшимча равишда Скайподнинг кузатув қаватига ойнали бўлма ҳам тайёрланди. Энди жасур одамлар уни қуриш учун очик айвон бўйлаб секин-сиз юришлари, чор-атрофини истаганча томоша қилишлари мумкин. Табиийки, биринчи марта бу ерга чиққанларнинг аксарияти дахшатдан қичқириб юбориши турган гап.

Зафар МУҲАММАД

Эълонлар

**«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ 2013 йил 19 декабрь куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказида!**

Аукцион савдоларига Ташкент ш., Шайхонтоҳур тумани, марказ Хадра, 27-уйда жойлашган «САНОАТТЕКОНОТЕХНАЗОРАТ» ДИ балансидаги 1996й. и/ч, д/р 01/3470ВА, бошланғич нархи 1 858 347 сўм бўлган «ГАЗ-31029» русумли; Ташкент ш., Юнусобод тумани, Мустақиллик майдони, 2-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги хузуридаги Республика мақсади китоб жамғармаси балансидаги 2007й. и/ч, д/р 01/631DCA, бошланғич нархи 28 000 000 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилди.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нарҳининг камида 20 фоизи миқдоридagi закатал пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипоттека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига туланади.

Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, туланган закатал пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқоридagi белгиланган савдо кунидagi сотилмаган тақдирда, улар бўйича тақдорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар навабтадagi ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспортларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг қоридagi курсатиб ўтилган манзилларига бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Ташкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAAS\_MCHJ@mail.ru.

Шунингдек, «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ томонидан 2013 йил 31 октябрь ва 7 ноябрь кунлари ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, «O'ZBEKENGILSANOAT» ДАК «ISHLAR BOSHQARMAISI» УК балансидаги д/р 01/181DCA бўлган «Нексия» — 23 000 000 сўмга; «TOSHKENTVINO KOMBINATI» ЧЭИИ ОАЖ балансидаги д/р 01/238КАА бўлган «ЗИЛ-431410» — 10 000 000 сўмга, д/р 01/287ZBA бўлган «ЗИЛ-138» — 12 400 000 сўмга, д/р 01/282ZBA бўлган «ЗИЛ-138А» — 12 400 000 сўмга, д/р 01/285ZBA бўлган «ЗИЛ-138А» — 12 400 000 сўмга; «Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК балансидаги д/р 01/428FBA бўлган «Лабо» — 7 600 000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Тиббиёт-санитария бирлашмасининг Марказлашган автокорхона балансидаги д/р 01/391HCA бўлган «Дамас» — 5 800 000 сўмга сотилганлиги ҳолида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жинорий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти Ташкент шаҳар бошқармасининг 2013 йил 11 ноябрдаги 13/44-13-сонли хатига асосан, ушбу ташкилот балансидаги д/р 01/729BAA бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситаси аукцион савдоларидан олинганлиги маълум қилинади.

**«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидagi ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақдир этади!**

**I. Суд Департаменти Сирдарё вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижроичилари бўлимига томонидан куйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:**

**Боёвут туман суд ижроичилари бўлими томонидан:** Сирдарё вилоят ҳўжалик Судининг 2012 йил 21 сентябрь кунидagi 12-1212/10667-сонли ижро варақасига асосан. Сирдарё вилоят, Гулистон шаҳар, Сайхун бозори қаторидаги «Савдо харид фэйз» хусусий корхонасига тегишли бўлган, колбаса-ғўшт маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асбоб-ускуналари ҳар бири 1 комплектдан, жами бошланғич баҳоси 300 000 000 сўм, Шундан: LASKA - Волчок, LASKA - Кутер KU 130 DS, двигатели, REX — вакуумли шприц, SLT-230 RE — термокамера, COLDSTAR 700- автомат, TTT KDCM 200 - полуавтомат, KNECHT-CNAHOSUK 170 — ой шаклидаги пичоқларни чарчловчи асбоб-ускуналари. Аукцион савдоси 2013 йил 13 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Сотилмаган тақдирда тақдорий савдоси 2014 йилнинг 14 январь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Ушбу асбоб-ускуна воситалари билан Боёвут туман суд ижроичилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириги муддати: Бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини ҳар бир мулк учун алоҳида автототранспорт воситасининг номи, давлат белгилари, кўрсатилган ҳолда «UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ «Турон» банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй I-қават, телефон: 235-03-58. Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август

**II. Сирдарё вилоят Давлат Солик Бошқармасининг 2013 йил 8 ноябр кунидagi 21-5163-сонли хатига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига асосан, куйидаги автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда:**

1. «ОПЕЛЬ-ОМЕГА» русумли, д/б 20 080 DAA бўлган, 2001 йил ишлаб чиқарилган, Сирдарё вилоят Давлат Солик Бошқармасининг автогараҳида сақланаётган қисман носоз ҳолдаги автотранспорт воситаси, бошланғич баҳоси — 22 654 659 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 13 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан Сирдарё вилоят Солик Бошқармасининг ишончли вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади, охириги муддати: Бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузилладиган закатал келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатал пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ «Турон» банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй I-қават, телефон: 235-03-58.**

Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август

Ўсимлик уруғларида 50 фоизга яқин ёғли мой бўлиб, унинг таркибида линоленат, линолат, олеинат, пальмитинат ва стеаринат кислоталари учрайди. Бундан ташқари, шилимшиқ моддалар, оксил, углевод, органик кислота, ферментлар ва А витаминига бениҳоя бой.



Халқ табобатида асосан зигир уруғи ва мойидан фойдаланилади. Бронхлар, ўпка аялганлигида бағлам кўчирувчи ва йўталга қарши восита сифатида ҳам қўллаб келинади. Ибн Сино зигир уруғини жигар ўсмаларини даволаш мақсадида буюрган. Чунки, бу ўсимлик меваси ўпкани бағламдан тозалайди, жигар ва бошқа аъзолардаги ўсмаларнинг сўрилишига ёрдам беради. Қовурилган зигир уруғи эса қон қусиш, терлаш, тинкани қуритувчи йўталда, ичак ва буйракдаги яраларни даволаш хусусиятига ҳам эга. Замонавий тиббиётда зигир уруғларидан шилимшиқ модда, мой ва линетол препарат сифатида қўлланилади. Зигир уруғида мавжуд шилимшиқ модда ўраб олувчи восита сифатида дориларнинг ачиштирадиган таъсирини камайтиради, ёқимсиз маза ва хидни йўқотади. Зигир мойи склерозга қарши восита, шунингдек, сурғи тарихида ҳам ишлатилади. Ундан олинган линетол препарати бадан териси куйганда, бошқа яра-чақаларнинг тезда битишига ёрдам беради.

**БИЛАСИЗМИ?**

Бридж — Олимпия ўйинларига киритилган ягона қарта билан ўйналадиган спорт туридир.

Тендер — ичида сув ва ёниги сақланадиган ҳамда паровозга уланадиган вагон номи. Агар сув билан ёниги паровознинг узидан сақланса, у "танк-паровоз" деб аталади.

**ТУРФА ОЛАМ**

**Энг қадимги ҳайкал**

ЛОНДОН (Б.БРИТАНИЯ) МАРКАЗИДА 2000 ЙИЛЛИК ТАРИХГА ЭГА ҲАЙКАЛ ТОПИЛДИ.



Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳайкал шаҳар марказидан топилганига қарамай асл кўринишини йўқотмаган эмш. Аксинча, ундаги ўймакорлик безаклари аниқ-тиниқ бўлиб, топилма ёши ва кимга тегишли бўлганини аниқлаш имконини берган. Лондон археология музейи ходимларининг гапига қараганда, ҳайкал ўша даврда яшаган юқори мартабали амалдорники бўлиб чиққан. Айтишларича, бундай ҳайкаллар дунёда бор-йўғи иккита экан. Улардан бири 1937 йили Иордания худудидан топилган. Ҳайкал кўринишдан тўшмушга илон тугган бургутга ўхшайди. Афсоналарга кўра, бургут аяллик, илон ёмонлик аломати ҳисобланган. Бундай ҳайкаллар асосан амалдорлар мавзолейини безаб турган. Бўйи 65, эни 55 сантиметрли ташкил қилувчи ҳайкал яқин орада Лондон археология музейида кўрғазмага қўйилиши кутилмоқда.

**Антиқа пиёдалар йўлаги**

ЖОРЖ ВАШИНГТОН УНИВЕРСИТЕТИ (АҚШ) ОЛИМЛАРИ ЯНГИ ЛОЙИХАГА ҚўЛ УРИШДИ.



Улар қуёш батареяларидан иборат пиёдалар йўлагини қуришмоқчи. Мазкур йўлак ниҳоятда мустаҳкам бўлиб, ўта оғир вазнли инсонни ҳам кўтара олади. Айни пайтда ана шундай антиқа йўлакнинг намунавий нусхаси технологик кампусга ўрнатилган бўлиб, "Solar Walk" лойиҳасининг ажралмас қисми ҳисобланади. У 27 та махсус қопламга эга фотопанелдан таркиб топилган. Йўлакнинг умумий майдони 9,3 квадрат метрни ташкил қилади. Қуёш нурларидан қувват олувчи фотопанеллар электр энергиясини ишлаб чиқариб, чироқ вазифини ҳам ўтади. Бундан ташқари, лойиҳага кўра йўлак устига панжарали том ўрнатиш ҳам режалаштирилган. Панжарали том пиёдалар йўлагига қўшимча қувват бериб, унинг янада яхшироқ ишлашини таъминлайди.

Зафар МУҲАММАД тайёрлади

**Маданият муассасаларида**

**Икуо Хирояма халқаро маданият карвон саройи**



Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган Япония давлати билан 1992 йил 26 январда дипломатик алоқалар ўрнатилди. Айнан ўша йили Президентимиз Ислам Каримовнинг «Буюк ипак йўли»ни тиклаш ташаббусидан илҳом олган таниқли расом Икуо Хирояма Тошкент шаҳрида «Халқаро маданият карвон саройи»ни барпо этиш таклифи билан чиқди ва бу таклиф қўллаб-қувватланди.



Тошкент шаҳрининг фахрий фуқароси, 2002 йили Ўзбекистон Бадий академиясининг «Олтин медали» билан мукофотланган атоқли маданият намояндаси Икуо Хирояма деярли 40 йил давомида Ўзбекистон-Япония ўртасидаги маданий алоқаларнинг ривожига катта ҳисса қўшган шахслардан биридир. 2001-2003 йилларда қуриб битказилган Халқаро маданият карвон саройи — Буюк ипак йўлининг маркази деб эътироф этилган Ўзбекистоннинг бой маданий, тарихий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш, халқимиз ва дунё жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда ўзбек-япон маданий алоқаларининг рамзи сифатида ташкил этилди.

Маданият карвон саройи худудини 32 гул арча, бамбук, сакура дараклари, Икуо Хирояма ҳайкали ва Хиросима тоши безаб турибди. Тарихдан маълумки, Хиросима ва Нагасакида юз берган фожиа ҳалигача ер қуррасидаги барча аҳолини заминимиздаги тинчликни сақлашдек ози-жаноб ишга чорлаб туради. 1945 йили Японияда атом бомбаси портлаган, 100 дан ортик давлатда «Хиросима — тинчлик тоши» ўрнатилган. Мазкур тошга ҳеч қачон атом бомбаси портла-масин, маъносидида «Тинчлик маъбудаси»нинг рамзий тасвири тўширилган. Хиросима нодавлат ташкилоти томонидан 2004 йили ўрнатилган тинчлик тошида Тошкент вақти билан ҳар куни соат 4-00 да «Тинчлик маъбудаси»нинг сурати яққол намоён бўлади.

Қадимда карвонсаройлар — нафқат меҳмонлар тўхтаб кетишга оладиган жой, балки ўз иши, хўнари билан шуғулланадиган илмий-маданий маскан ҳам бўлган. Бу ерга келган меҳмонлар Ўзбекистонни, ўзбек-япон маданиятини ўрганиб кетишди. Ушбу маскан 2012 йили Ўзбекистон-Япония дипломатик алоқалари ўрнатилганлигининг 20 йиллиги муносабати билан икки давлат ўртасидаги илмий-маданий алмашувларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбе-

кистон Бадий академияси Икуо Хирояма халқаро маданият карвон саройига Япония ташқи ишлари вазирининг Фахрий ёрлиги топширилди.

Халқаро маданият карвон саройи икки бинодан иборат бўлиб, «А» блокида кутубхона, конференциялар зали, маҳорат дарслари хонаси ҳамда Ўзбекистон Бадий Академиясининг халқаро алоқалар бўлими жойлашган. «Б» блокида эса, кўрғазмалар зали, эътироф этилган Ўзбекистоннинг бой маданий, тарихий меросини ўрганиш, тадқиқ қилиш, халқимиз ва дунё жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш ҳамда ўзбек-япон маданий алоқаларининг рамзи сифатида ташкил этилди.

Шунингдек, кутубхонада Президент асарлари, ЮНЕСКО ташкилоти, Арманистон элчихонаси, Гёте институти, Ўзбекистон миллий энциклопедиялари, ўзбек ёзувчилари ва шoirларининг ижод намуналари, Сока университети ҳамда археологлар конференцияси иштирокчилари ва археологларни ривожлантиришга ҳисса қўшган археологлар томонидан совға қилинган 2000 дан зиёд ноёб китоблар сақланмоқда.

Ўзбек халқининг миллий либослари хилма-хил, ранг-баранг ва жозибалидир. Халқаро маданият карвон саройининг кичик кўрғазма залидан жой олган «Тикланиш: миллий либослар» лойиҳаси кўрғазмаси коллекциясида асосан Ўзбекистоннинг турли вилоятларига тегишли бўлган келин-куёв либослари, бosh ва оёқ кийимлари ҳамда тақинчоқлари намоёишга қўйилган. Бу ерга ташриф буюрган ҳар бир томошабин мазкур либосларда урф-одат, аънана, нафосат ва эстетика уйғунлигига гувоҳ бўлади.

«Тикланиш: миллий либослар» лойиҳаси муаллифи Фахриддин Жабборовнинг мақсади — ёшларга халқимизнинг миллий



ўзлигини англатиш, унинг қадимги аънавий ва батакор либосларини кўрсатиш, тиклаш ҳамда ушбу кийимларнинг давомийлигини таъминлашдан иборатдир. Либослардаги ўзига хос бичим ва безакларда инсон умрининг фасллари, у яшаган жой ва замон, мавсумий кийим-кечаклар, ҳаётнинг қувончли ёки қайғули давлари намоён бўлади. Бизгача етиб келган либослар IX аср охири, XX аср бошларига тегишли бўлиб, қадимги даврларга оидлари сақланмаган. Чунки кийим ва матолар моддий ёдгорликлар ичида доимий истеъмолда бўлган ва охиригача фойдаланилган. Кийимларнинг бичими асосан минтақалар бўйича шаклланган. Бичим бир хил бўлса-да, мато турлари ва ранглари бир-биридан кескин фарқ қилади.

Археологлар тилида шундай ибора бор: «Нарсалар йўқолмайди, уларнинг шакли ўзгаради, холос». Ўзбекистонда кулолчилик идишлари 7 минг йиллик тарихни ўз ичига олиб, одамлар кундалик ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган. 2013 йилнинг май ойида Карвон саройда «Ўзбекистонда ўрта асрлардаги сопол идиш қопқоқларининг нақшлари» кўрғазмаси ташкил қилинди. Қопқоқ — устки қисм, яъни катта-кичик идишлар ва таралар устини ёпадиган буюмдир. Кўрғазмада 30 дан ортик турли хил кўриниш ва ҳажмдаги идиш қопқоқлари ўрин олган. Экспонатларнинг кўпчилиги нақшлар билан безатилган — тирналган ёки қизил ангоб билан гул солинган. Нақшлар геометрик, синик чизик ва тўлқинсимон ёки битта умумий марказга эга

Назира БОЙМУРОВА муаллиф олган суратлар

**Музейлар ойлиги**

**Она юрт**

тасвири кўрғазмаларда

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшларни музейларимизда бебаҳо ва батакорроқ экспонатлар билан таништириш, уларни аждодлар меросидан баҳраманд қилиш, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, ватанпарварлик руҳини сингдириш ҳамда мустақилликни кўз қорачигидай асраб-авайлаш тўғрисидаги маълумотларни «Музейлар ойлиги» доирасида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Шунингдек, музейларда кўчма кўрғазмалар ҳам ташкил этилиб, уларда ёзувчи ва шоирлар, расом ва ҳунармандлар, халқ ҳаваскорлик жамоалари қатнашмоқда.

Вазирлик тасарруфидаги Ўзбекистон давлат табиат музейи ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбекистон — жаннатмакон диёрим» деб номланган кўчма кўрғазма Қуролли кучлар давлат музейи кўрғазмалар залида намоёиш этилди. Кўрғазмада Табиат музейида сақланаётган ҳайвонлар, қуш ва балиқлар тўлими, мамлакатимиз табиатига оид манзаралар намоёиш этилди. Айниқса, йўрға, тувалок, илонхўр балиқ, шарқий қоракуш, турна, сорнинг тулмулари худди ҳақиқийдек тасаввур уйғотиб, кишини беихтиёр ёввойи табиат бағрига етаклайди. Паркент олмаси, узумзорлари, Ургут тоғлари, Зарафшон тизмасидаги бодомзорлар, Фарғона vodiys ўрмонзорлари, Сандғай шаршараси каби табиатнинг кўплаб мўъжизалари акс этган фотоларлар ташриф буюрганларни ўзига жалб этди. Шунингдек, кўрғазма давомида мутахассислар томонидан жаннатмакон юртимизнинг батакор табиати, бой ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, уларни сақлаш, кўпайтириш ва муҳофаза қилувчи табиий худудлар тўғрисида маълумотлар берилди.

Кўрғазмада Республика рассомлик коллежи театр либослари бўлими талабалари томонидан тақдим этилган либослар, Қуролли Кучлар ракс ва ашула ансамблининг концерт дастурлари намоёиш этилди.

Д. РЎЗИЕВА, «Milliy tiklanish» мухбири

**Конференция**

**Ибратли оила — жамият таянчи**

Пойтахтимизда «Жамият ривожини таъминлашда оиланинг ўрни» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 22 январдаги фармойишига бinoан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилди.

Конференцияда таъкидланганидек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва «Оила» илмий-амалий маркази ўзаро ҳамкорликда оила муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечимини топиш юзасидан амалий тақлиф, тавсиялар ишлаб чиқиш, пировард натижада муаммоларни биргаликда бартараф этишни мақсад қилган. Инчунун, мазкур ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган «Ота-оналар университети — ота-оналар саводхонлигини оши-

риш мактаби», «Оилани мустаҳкамлашда маҳалланинг ўрни ва аҳамияти» номили услубий қўлланмалар, «Ёш оила: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари» мавзусида ўтказилган социологик сўров каби амалий ишларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, Андижон ва Тошкент вилояти худудига аёллар билан боғлиқ муаммолар, унинг сабаблари тадқиқ этилиб, айрим оилалардаги маънавий муҳит ўрганилди. Муаммоларга сабаб бўлаётган омиллар таҳлил

этилиб, унинг натижаси Қўмитанинг «Хотин-қизларга оид салбий кўрсаткичлар таҳлили ва маънавий муҳитини соғломлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги қарорининг ижроси сифатида маълум қилинди. Бу каби тадқиқ ва таҳлиллар республикамизнинг бошқа худудлари, жумладан, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Жиззах вилоятларида ҳам ўтказилиб, тегишли хулосалар берилди.

Анжуманда Юнусобод тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Н.Қўзиева оила ва никоҳ муносабатларини мустаҳкамлаш, оилада фарзанд тарбиясига эътиборни қучайтириш, улардаги психологик маданиятни юксалтириш борасида мамлакатимизда қилинаётган ишлар хусусида гапириб, жумладан, шундай деди:

— Юртимизда оилага жамиятнинг асосий негизи сифатида қаралади. У билан боғлиқ жамият қадриятлар угулланади. Шу боисдан ибратли оила муҳитини бунёд этиш, она ва бола салооматлигини муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни

воёга етказиш, оилаларда маънавий муҳитни барқарорлаштириш, фарзандлар тарбиясида ёт ғоялар таъсирига тушиб қолиш хавфининг олдини олиш мақсадида «Оилага психологик ёрдам кўрсатиш» номили услубий қўлланма, «Ёшларни деструктив таъсирлардан ҳимоялашнинг психологик жиҳатлари» номили монография, «Очиқ ахборот тизимларида ахборот-психологик хавфсизлик» каби ўқув қўлланмаларининг яратилганиги алоҳида таъхнинг сазовор. «Обод турмуш йили» Давлат дастури ва марказда олиб борилаётган илмий лойиҳалар доирасида 3 та социологик тадқиқот ўтказилди, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 4 та рисола, 35 дан ортик илмий, 25 дан ортик илмий-оммабоп, 5 та халқаро миқёсдаги мақола эълон қилинди, 6 номдаги буклет ишлаб чиқилди. Ўқув муассасалари, маҳаллалар ва ташкилотларда 50 дан зиёд учрашув, давра суҳбати ва семинарлар ташкил этилди.

Муҳайё НУРМЕТОВА, «Milliy tiklanish» мухбири